

# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MUHOFAA  
VAZIRLIGINING MARKAZIY MATBUOT  
ORGANI

● 2002 йил, 12 декабрь, пайшанба № 149 (1725).  
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.  
● Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ  
ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКISTAN

● Четверг, 12 декабря, 2002 г. № 149 (1725).  
Газета издается с 24 июня 1992 г.  
● В розницу — цена свободная.

## ЎЗБЕКISTON ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАҲОН ЕТАКЧИЛАРИ ОРАСИДА ЭНГ ЮҚОРИ РЕЙТИНГ ЭГАСИ

Шу кунларда Америка-ниг ижтимоий тадқиқотлари билан дунёга танилган пуффузи Пью Рисерч Сентер тадқиқот маркази 2002 йилда дунёнинг асосий 44 та мамлакатига ўтказилган «Глобал ижтимоий муносабат» ижтимоий фикр сўрови натижаларини эълон қилди. МДХ мамлакатларидан сўров Ўзбекистон, Россия ва Украинада ўтказилди. Сўров натижалари кўрсатдики, мамлакатлар фуқароларининг ўз етакчиларига муносабати жиҳатидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов дунё давлат раҳбарлари ора-

сида энг юқори рейтингга эга, сўралганларнинг 95 фоизи унга хайрихоҳлик билдирган. Муқофса қилинади-ган бўлса, Президент В. Путин фаолиятини 85 фоиз, Президент Ж. Бушни 71 фоиз, Франция Президенти Жак Ширакни 62 фоиз, Германиянинг федерал канцлери Герхард Шредерни 57 фоиз, Буюк Британия Бош вазири Тони Блэрни 54 фоиз, Президент Л. Кучмани эса 33 фоиз аҳоли қўллаб-қувватлаган. Сўров натижаларига кўра Ўзбекистон аҳолисининг 62 фоизи мавжуд иқтисодий вазиятни жуда қўлай деб ба-

ҳолайди, бу эса Хитой (92 фоиз), Канада (70 фоиз), Буюк Британия (65 фоиз)дан сўнг тургинчи кўрсаткичдир. Россия ва Украинада ушбу кўрсаткич тегишлича 13 ва 10 фоизни ташкил этган. Дунёнинг тадқиқ этилаётган мамлакатлари аҳолисининг мамлакат ички сисёсатига муносабатини баҳолаш мақсадида мазкур мамлакатда яшаётганингиздан розимисиз, деган мазмунда савол берилган. Сўров натижаларига кўра, Ўзбекистон аҳолисининг 69 фоизи ўз мамлакатига яшаётганидан ро-

(Давоми 2-бетда).

## Ислон Каримов — Сока университети фахрий доктори

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 10 декабрь кунини Япониянинг Сока университети ректори Масами Вакази қабул қилди. Ўзбекистон ўзининг ривожланиш йўлидаги стратегик режаларини ҳаётга жорий қилишда Япония билан мотивий-иқтисодий ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Ўз навбатида, Японча ҳам Ўзбекистонни Марказий Осиё минтақасида муҳим ўрин тутаётган мамлакат деб ҳисоблайди. Шу боис Кунчақ мамлакатни Ўзбекистон билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришни тинчи сисёсатининг устувор йўналишларидан, деб қарайди. Президент Ислон Каримовнинг шу йил июль ойида Японияга расмий ташрифи иккинчи мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик тобора юксалиб, стратегик шериклик даражасига чиққани намойиш этди. Ушбу ташриф давомида мамлакатларимиз ўрта-

сида ижтимоий, маданият ва таълим соҳасидаги ҳамкорликка онд ҳужжат ҳам имзоланган эди. Айтиш лозимки, мазкур ҳамкорликнинг самараси ҳозирданоқ кўзга ташланмоқда. Сока университети раҳбариятининг юртимизга ташрифи бунинг яна бир исботидир. Сока университетида 1971 йили Япониядаги Ирик «Сока Гаккай» буддавийлар ташкилоти фахрий президенти Дайсаку Икеда томонидан асос солинган. Мазкур университет олимлари Осиё бўйича тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратиб келади. Тадқиқотлар натижалари университетнинг Осиёни ўраганишга бағишланган махсус журналда мунтазам чоп этиб берилади. Университет Ўзбекистондаги илм даргоҳлари билан ҳам анчадан бун самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. 1989 йили Сока университети билан Ўзбекистон Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти ўртасида илмий

ҳамкорлик тўғрисида ҳужжат имзоланди. Бунинг натижаси ўлароқ, Далварзиятепада қазимша ишларини ўтказиш учун профессор К. Като раҳбарлигида ташкил этилган Марказий Осиёда илк Ўзбекистон—Япония археология экспедицияси самарали иш олиб бормоқда. Шунинг алоҳида таъкиллаш жоизки, Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги бундай кенг қамровли ҳамкорликда давлатимиз раҳбари Ислон Каримовнинг буюк хизматлари бор. Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовга дунёдаги бунча мамлакатлар билан дўстона муносабатларини мустақамлаш ҳамда маданият ва таълимни ривожлантириш борасидаги буюк хизматлари учун Сока университети «Фахрий доктори» унвонининг дипломи топширилди. Оқсаройдаги мулоқот чоғида Япониянинг мазкур университети билан мамлакатимиз олий ўқув юрталари ва илмий муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик кўламини янада кенгайтиришга онд масалалар муҳокама этилди.

(ЎЗА).


## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИИЛАРИГА

Муҳтарам Президент Ислон Каримов жаноби олийлари! Буюк Ўзбекистон заминининг гуллаб-яшнаши йўлидаги Сизнинг доно йўлбошчилигингиз ва фидойи фаолиятингиз олдида қуқур эҳтиромимизни изҳор этишга ижозат бергайсиз. Шу билан бирга, бутун ҳалқингиз Сизнинг инсонпарвар сисёсатингиз туфайли қўлга киритилган бемисл ютуқлардан мамнулик ва келажакка юксак ишонч билан кутиб олган мамлакатингиз мустақиллигининг 11 йиллиги муносабати билан самимий табриқларимизни йўлайман. Бутун дунё Ўзбекистоннинг таълим, маданият, иқтисод, санъат ва бошқа барча соҳалардаги жадал ва муваффақиятли тараққиётига қўйил қўлмоқда ҳамда Сизнинг порлоқ истиқболга қаратилган ташаббусингизга улкан эҳтиром билдирмоқда. Шахсан мен учун ва ме-

нинг раҳбарлигимда ташкил этилган Сока Университетининг бутун жамоаси учун Сиз олий ўқув юртимизининг Фахрий доктори бўлишга розилик билдирганингизнинг ўзи юксак шараф ва улкан қувончдир. Сизни ишонтириб айтаманки, Сока Университети ректори Масами Вакази Ўзбекистонда Сизга университетимизнинг Фахрий доктори дипломинини топшириш маросимини халқроқ этикенининг барча қондалари бўйича юксак масъулият билан ўтказди. Сока Университети профессор ва талабалари номидан Сизга самимий қўлволаримизни йўллашга ва яқин келажакда Сизни рафиқангиз билан олий ўқув юртимизда кутиб олиш умидини изҳор этишга ижозат бергайсиз. Мамнуният билан Сизга шунинг ҳам маълум қиламанки, Ўзбекистон Вадийи академиясининг катта ёрдами туфайли Тошкентда менинг

шахсий фотоқўрғазмам очилмоқда. Камтапона асарларининг Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги маданий алоқаларини янада ривожлантиришга хизмат қила оласа, ўзимни бениҳоя бахтли ҳисоблар эдим. Биз, Сока Гаккай жамияти ва Сока университети-нинг барча аъзолари Сизнинг мамлакатингиз билан маданият, таълим ва тинчликни ҳимоя қилиш соҳаларида ҳамкорлик қилиш ва дўстона муносабатлар ривожини йўлида бутун куч ва ғайратимизни сарф этишга тайёрмиз. Мақтубим охирида чин қалбимдан Сизга — Ўзбекистон халқининг буюк йўлбошчисига ҳамда оилаингизнинг барча аъзоларига мустақам соғлиқ, бахт-саодат ва мамлакатингизга фаровонлик тилаб қоламан. Самимий эҳтиром ила, Дайсаку ИКЕДА, Сока Гаккай Интернешнл Президенти.

## ВАТАН ХИМОЯЧИЛАРИ КУНИ ОЛДИДАН



— Кузги снов машгулотларида жанговар, ижтимоий - сисёсий, жисмоний ва бошқа тайёргарликлар бўйича «аъло» ва «яхши» баҳолар олишга муваффақ бўлдим. Эндиги ниятим — қишқа ўқув машгулотларида ҳам фаол иштирок этиб, Ватан ҳимоячилари байрами — Қуролли Кучлар кунини муносиб кутиб олиш, мамлакатимиз муҳофаа салоҳияти ошишига ҳисса қўшиш, — дейди навбатдаги ўқув йилини кўтаринки руҳда бошлаб юборган сурхондарёлик шартнома бўйича хизматдаги кичик сержант Сулон Қамбаров. Сўрагач олган К. ТУРАЕВ.

## Ютуқларга асосли замин бор

Лейтенант Владислав Сабиров ҳарбий қисмда кетма-кет янгиланларга дуч келмоқда. Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртини тугатгач ёш офицер йил ўртасида катта ҳаяжон билан жанговар бошқарув батареясини қабул қилиб олди. Яқинда бўлиб ўтган якуний снов машгулотларида ҳам, янги ўқув йили тантаналарида ҳам биринчи бор офицер сифатида қатнашди. Тўғри, «ҳали суяни қотмаган, тажрибасиз лейте-

нант имтиҳонларда шима каромат кўрсатарди», дейишингиз мумкин. Аммо илк натижалар билан танишсан, фикрингиз ўзгармасдан қолмайди. Батарейя шахсий таркибининг умумий натижаси — тўрт, ёш командирини эса — беш! Ҳа, бундай натижага катта-катта офицерлар ҳам ҳавас қилади. Шундай экан, келинг, ютуқлар сабаби билан қизиқиб кўрайлик.

(Давоми 2-бетда).

## Ҳарбий ислоҳотлар йўлида

Мамлакатимиз аҳли ҳуқуқий демократик давлат қуриш асосий халқ манфаатларини ўзида акс эттирган Асосий Қонун — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллигини тантанали равишда нишонлади. Конституциямизда халқимизнинг тинч ҳаётини, суверенитетини, миллий хавфсизлигини таъминлаш, давлат муҳофааз қудрати ва Қуролли Кучларини мустақамлаш масалаларига ҳам алоҳида ўрин берилган. Бу масалалар Президентимиз Ислон Каримовнинг иккинчи қақриқ Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида кенг баён этилган. Президентимиз таъкидлаганидек, тамома янги, профессионал асосдаги армияни шакллантириш бўйича ислоҳотларни амалга ошириш вазифаси бир неча йилдан бун бизнинг диқ-

қат марказимизда турибди. Ислоҳотнинг асосий мақсади — ҳақиқий профессионал Қуролли Кучларни тузиш, ҳарбий хизмат ёшидаги ҳар бир йигит, ҳар бир фуқаро учун Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш ўз Конституциявий бурчини ало этишдангича иборат бўлмасдан, балки пуффузи ва шарафли бир ишга айланиши зарур. Таъкидлаш керакки, Муҳофаа вазирлиги ва Чегара қўшинлари бўлиmalarини, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматининг махсус қисмларини, шунингдек, бошқа идораларнинг ҳарбий тузилмаларини ўз ичига олган Қуролли Кучларимизни модернизация қилиш бўйича сўнгги йиллар мобайнида кўламин ва аҳамияти нутган назаридан улкан ишлар амалга оширилди.

(Давоми 2-бетда).

### ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАҲОН ЕТАКЧИЛАРИ ОРАСИДА ЭНГ ЮҚОРИ РЕЙТИНГ ЭГАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

зи эканини билдирган. Кейинги ўринларда Канада (56 фоиз), Хитой (48 фоиз), АҚШ (41 фоиз), Чехия (36 фоиз), Буюк Британия (32 фоиз) туради. Россияда бу кўрсаткич 20 фоизни, Украинада бор-йўғи 10 фоизни ташкил этган.

Шуни айтиш керакки, Американинг мустақил ижтимоий маркази тадқиқотларидан бутун дунёдаги энг снвсий арбоблар, илмий, жамо-

ат ва ноҳукумат ташкилотлари кенг фойдаланади. У ўтказган глобал сўров натижалари ҳалқаро оммавий ахборот воситаларида кенг муҳокама этилмоқда. Сўров натижалари Ўзбекистон ташлаган мустақил тараққиёт йўли тўғриси ва самарали эканини ҳамда мамлакатимиз аҳолиси Президент Ислам Каримов олиб бораётган ислохотлар йўлини қўллаб-қувватлашни яна бир бор исбот этди.

(ЎЗА).

(Давоми. Боши 1-бетда).

Менимча, биринчи сабаб — Владислава узоқ йиллар давомида шаклланган ҳарбий хизматга катта ҳавас, иштиёқ. Агар унда иштиёқ бўлмаганда Урганчдаги ҳарбий лицейда ўқимаган, олий ҳарбий билим юртини яқин диплом билан тугатмаган бўларди.

Иккинчи сабаб — ёш лейтенант қисқа муддат ичида устоз офицерлар, сафдошлар, қўл остидаги посбонлар билан яқин алоқа ўрната олган. Ахир, юксак натижаларга эришишда катта офицерлар, кичик офицерлар, шартнома бўйича хизматчи-

## ЮТУҚЛАРГА АСОСЛИ ЗАМИН БОР

лар, оддий аскарлар орасидаги уюшқоқлик, ўзаро ҳамкорлик катта аҳамият касб этади-да!

Қолаверса, командир ҳарбий устозга айлангани учун унда педагогик иқтидор бўлиши, билганларини қўл остидагиларга ўргата олиши, тушунтириши —

кўрсатиб бериши — машқ қилдириши лозим...

Ҳа, лейтенант Владислав Сабировнинг сўзларига ишонса, бўлади. Чунки у илқ сновлардан ёруғ юз билан ўтган, кейинги ютуқларга мустаҳкам замин ҳозирлаган офицер.

Майор А. УСМОНОВ, «Ватанпарвар» муҳбири.

# ҲАРБИЙ ИСЛОХОТЛАР ЙУЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳарбий бошқарув тизимини, ташкилий шарт таркибни такомиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар қабул қилиниши, миллий офицер кадрларини тайёрлаш борасида катта ишлар қилинмоқда. Ҳарбий хизматчиларни тайёрлашнинг бутунлай янги шакллари — сержантлар мактаби, тайёрлов марказлари фаолият кўрсатмоқда.

Қисмларининг жанговар тайёргарлигини юксалтиришда жанговар ҳаракатларнинг янги услублари қўллашмоқда. Ҳарбий алоқаларни кенгайтириш йулида ривожланган мамлакатлар Қуролли Кучларининг илгор тажрибаларидан фойдаланилмоқда.

Қуролли Кучларни замонавий қурол-ароғ ва техника билан таъминлаш, жойлаштириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида кўплаб ишлар амалга оширилди ва амалга оширилмоқда.

Маълумки, бугун иккинчи қақриқ Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси ўзинини бошлади. Унда депутатлар бошқа муҳим масалалар билан бирга «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонун (янги тахрири) лойиҳаси ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг резервдаги хизмат тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини муҳокама қилади.

Олий Мажлисининг бўлажак сессияси олдидан ЎЗА муҳбири Мудофаа вазирлигининг бир гуруҳ офицерлари, шунингдек, ота-оналар, қақрилувчи ёшлар билан суҳбатда бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Қақриув ва резервистлар тайёрлов бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи полковник Б. МИРЗАМУҲАМЕДОВ:

— Олий Мажлисининг тўқ-

қизинчи сессиясида мамлакатимиз Президентини — Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонини Ислам Каримов томонидан фуқароларни муддатли ҳарбий хизмат ва муқобил хизматга қақриув ишлари борасидаги бугунги ҳолат жуда ўринли таққид қилинди. Президентимиз таққидлаганидек, соғлиғи ва бошқа жиҳатларига кўра муддатли ҳарбий хизматга яроқли фуқаролар сонини хизматга сафарбар этилиши лозим бўлган йигитлар сонидан анча кўп. Табиийки, бу ҳол субъективизм учун қўлай имконият тугдирди.

Сессияда Президентимиз айтиб ўтганидек, ушбу ҳолатларни бартараф этиш учун 1992 йили қабул қилинган «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги ҳамда «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Қонунларни қайтадан кўриб чиқиш зарурати пайдо бўлди. Ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқилган бўлса, ёш йигитнинг батафсил билим олиши, энг замонавий қуролларни ишлатиш ва жанговар ҳаракатлар олиб бориш кўникмаларига эга бўлиши учун ўн икки ой кифоя. Шу билан бирга ёш йигит ўз ҳаёт йўлини белгилаб олиши учун, келажакда қай бир касбни танлаши учун ҳам ушбу муддат етарли бўлади. Муддатли ҳарбий хизматнинг ўн икки ой белгиланиши ҳаёт мактаби деб аталмиш ҳарбий тайёргарликдан ўтган резервистлар сафини кенгайтиради, кўп сонли ёш йигитларда қатъиятликнинг шакллантиради, уларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим омили бўлади. Номини энг етилган қонунларнинг ўзгартирилиши халқимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда. Буни Мудофаа вазирлигимизга бўлгуси Ватан ҳимоячилари ва уларнинг ота-оналаридан келатган мактублар, қақрилувчилар ўртасида ўтказилган социоло-

гия сўровларда мазкур қонунларга ўзгартиришлар киритиш борасидаги таққид маъқуллашгани ҳам таққидлаб турибди. Яқинда тугалланган кузги қақриув натижалари ҳам буни яққол исботлади. Қақриув мавсуми мобайлида барча мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимларига қақрилувчилар ўз қалб амри билан ҳозир бўлди. Қақрилувчиларнинг аксариятини олий ва ўрта махсус билимга эга йигитлар ташкил этганлиги янада қувонарли ҳолдир.

Марказий ҳарбий округ қўмондонининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Ф. АБДУЛЛАЕВ:

— Бизнинг ҳарбий округимиз шахсий таркиби ҳам Олий Мажлис тўққизинчи сессияси материаллари, айниқса, Президентимиз маърузасини диққат билан ўрганиб чиқди. Ҳарбий хизмат муддатининг ўн саккиз ойдан ўн икки ойга қисқартирилиши, ҳарбий хизмат ва мудофаа салоҳиятимизни юксалтиришга йўналирилган барча таққидларни қўллаб-қувватлаймиз. Президентимизнинг «Мамлакатимиз сарҳадларининг дахлсизлигини ва худудий яқлтилигини сақлаш, эл-юртимизнинг осуда ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир, замонавий қурол-аслаҳа ва техника билан таъминланган, яхши тайёрланган ва бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб берадиган, сон жиҳатдан ихчам ва ҳаракатчан Қуролли Кучларни вужудга келтириш — Ўзбекистонимизнинг келажакини барпо этиш йўлидаги энг муҳим вазифаларимиздан биридир», деган сўзларини ҳар бир офицеру аскар ўз олдига турган буюк вазифа дея қабул қилди. Биз мустақил давлатимиз тинчлиги, фаровонлиги йўлида бор куч-ғайратимиз ва билимимизни асло аямаймиз.

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ хизматчиси, од-

дий аскар С. САПДАҲМЕДОВ:

— Президентимиз Ислам Каримовнинг Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузасини телевизорда бўлинишимизнинг барча шахсий таркиби билан тингладик. Давлатимиз раҳбарининг ҳарбий ислохотлар борасида таққидлари ҳаммамизда жуда катта таассурот қолдирди. Юртбошимиз маърузасини тинглаб эканмиз, менинг ҳам, барча сафдошларимнинг ҳам кучига куч, ғайратига ғайрат қўшилди. Сабаби — маърузадан Президентимиз ва ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан мустақил давлатимиз мудофаа салоҳиятини юксалтиришга жуда катта эътибор берилаётганини яна бир бор билиб олдик. Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондонини таққидлаганидек, ҳарбий кишига — қўлида жанговар қурол билан Ватанимиз сарҳадларини, мустақиллигини туну кун ҳимоя қилаётганларга катта эътибор кўрсатилмоқда. улкан гамхўрликлар қилинмоқда. Биз бунга жавобан барча куч ва маҳоратимизни, билимимизни Ватан ҳимоясига бағишлаймиз. Лозим бўлса, халқимиз, юртимиз учун жонимизни ҳам аямаймиз. Президентимиз томонидан олиб борилаётган ҳарбий ислохотларни сидқидилдан қўллаб-қувватлаймиз ва уларини амалга оширишга ўз улушимизни қўшамиз.

76 ёшли фарғоналик отахон М. ТОШПҲЛАТОВ:

— Президентимиз Ислам Каримов Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузасини телевизор орқали диққат билан эшитдим. Маърузадаги ҳар бир сўз менда жуда чуқур таассурот қолдирди. Мустақил давлат эканмиз, ўзимиз ўзимизни қўриқлашимиз лозим, бизга кўз олайтирадиган ҳар бир гайимга муносиб зарба бера олиш бизнинг вазифамиз ва бурчимиздир. Шундай экан,

армиямизни кучайтириш, қудратини оширишга катта эътибор қаратишимиз керак. Президентимиз ўз маърузасида шу масалага — проффесионал армияга ўтишга катта эътибор қаратди. Бу — халқимизга қувонч ва ишонч бағишлайди. Фарзандларимизнинг армияда ўн икки ой хизмат қилиб, запарлашлар сонининг кўпайиши ҳам жуда муҳим деб биланам. Шу нуқтан назардан Президентимиз ва ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан ҳарбий соҳа бўйича ўтказилаётган барча ислохотларни қўллаб-қувватлаймиз.

Олмалик шаҳрига яшовчи уй бекаси Р. ҲАФИЗОВА:

— Олий Мажлисининг ўнинчи сессиясида муҳим қонунлар қабул қилинади. Ҳарбий соҳада янги тахрирда қабул қилинадиган қонунга мувофиқ фарзандларимиз келгуси йил баҳоридан бошлаб энди армияда бир ярим йил эмас, бир йил хизмат қилади. Буидан биз, ота-оналар жуда мамнунмиз. Негаки, ҳар ҳолда болаларимиз бағримизга олти ой олдин қайтиб келади. Бир сўз билан айтганда, Президентимиз ташаббуси билан ҳарбий йўналишдаги қонунларга ўзгартиришлар киритилиши халқимиз дилидаги иш бўлди.

Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактаб битирувчи снф ўқувчиси Ш. МУЗАФФАРОВ:

— Мен ҳам, барча тенгқурларим қатори, Олий Мажлисининг ўтган сессияси материалларини, хусусан, Президентимиз маърузасини газетадан яхшилаб ўқиб чиқдим. Билдикки, келгуси йилнинг баҳоридан бошлаб ҳарбий хизмат муддати бир йил бўлар экан. Ишонч билан айтаманки, бу — биз учун жанговар қуроллар ва техника сирларини ўрганиш учун етарли муддат. Менинг максалим — мактабчи тугатгач, албатта аскар бўлиб, Ватанимга хизмат қилиш, уни ҳимоя қилишни мукамал ўрганиш. Муддатли хизматдан кейин шартнома бўйича хизматда қолиш ва проффесионал ҳарбий бўлиб етишни шаятим ҳам йўқ эмас.

(ЎЗА).

## МУДДАТЛИ ХИЗМАТНИНГ МУДДАТИ ҚУЛАЙ

Маълумки, Қуролли Кучлар тизимида шахсий таркибнинг жанговар шайлигини талаб даражасида ушлаб туриш учун ҳар йили тегишли дастурга мувофиқ ўқув жараёни ўтказилади. Бу жараён ўз навбатида иккига — ёғи ва қишини ўқув мавсумларига бўлинади. Аслида, бу мавсумлар бир-биридан фарқ қилмайди. Маълум маънода бир-бирини тўлдирди, холос. Эзда иссиқ, қишда совуқ шароит. Ўқув жараёнида бир йил тўлиқ иштирок этган аскарни Ватанини ҳимоя қилиш ҳарбий тайёргарлигидан ўтган жанговар шай посбон дейишга ҳаққимиз бор. Чунки у олти ой ичида олган ҳарб илмини кейинги олти ой ичида шиққитириб, такомиллаштирди. Энди у ҳар қандай жанговар ҳара-

катларга тайёр. Бунинг устига оддий аскар ана шу вақт ичида ҳарбий соҳа бўйича бирор касбни ҳам мукамал эгаллайди.

Шу чоққача амал қилиб келинаётган Қонунга биноан муддатли ҳарбий хизмат хизматчилари ўн саккиз ой — бир ярим йил давомида ўз Конституциявий бурчларини ўташлари керак эди. Президентимиз Ислам Каримов иккинчи қақриқ Олий Мажлис тўққизинчи сессиясида ҳарбий ислохотлар борасида тўхталиб, муддатли ҳарбий хизмат муддатини ўн икки ойга — бир йилга келтириш ташаббусини ўртага ташлади. Агар муддатли

ҳарбий хизмат муддати ўн икки ой — бир йилга келтирилса, бу ҳар томонлама қўлай бўлади. Биринчидан, муддатли ҳарбий хизмат хизматчиларига бир ярим йил давомида сарфланадиган сарф-харажатлар учдан бирга қисқартирилади. Иккинчидан, тежаб қўлинган маблағ янада қўллаб ёшларни армия мактабидан ўтказиш имконини яратади. Учинчидан, муддатли ҳарбий хизмат хизматчилари ўз йигитлик бурчларини ўтаб бўлишгандан сўнг олти ўқув юртларидан ўн икки ойга — бир йилга келтириш тугилади. Баҳорда бир ярим йил-

га қақриланлар хизмат чоғида икки ёғи ўтказиб юборилса, энди фақат бир ёғи ўтказиб юборишади. Маълумки, республикамиздаги олий ўқув юртларига қабул фақат ёз ойларида ўтказилади.

Бугун ўз ишлари бошлаётган иккинчи қақриқ Олий Мажлис ўнинчи сессиясида ҳарбий соҳага оид Қонун лойиҳалари ҳам муҳокама қилинади. Хусусан, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси янги тахрирда кўриб чиқилади.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда: «Қисқа муддатда юксак ҳарбий маҳо-

ратга эга бўлмоқлик — ҳар бир жангчининг ватанпарварлик бурчи». Бу бурчни муддатли ҳарбий хизмат хизматчилари ҳам шараф билан удалашларига асло шубҳа йўқ. Бир йил унчалик кўп муддат эмас. Бироқ, бир йил аскарнинг ҳарб илмини пухта эгаллашига етарли муддат. Фақат ана шу муддатдан самарали, унумли фойдаланиши керак. Армия мактабидан ўтган йигит хоҳласа ҳарбий хизматини шартнома асосида давом эттириши мумкин, бўлмаса халқ хўжалигининг бошқа соҳаларини унга мунтазир.

Майор А. ОБРҲЕВ, «Ватанпарвар» муҳбири.





# ҲАР КИМ ВА ҲАММА УЧУН - ДЛА ВСЕХ И КАЖДОГО

## Машҳур кишилар ҳаётдан

Бир куни Бернард Шоу сартарошхонага кирди. Сартарош эзмалиги билан донг чиқарган эди. У Шоунини етулга ўтқазиб улгурмай, оламжаҳон гапни гапириб ташлади. Кейин сўради: — Сочингизни қандай алай?

— Иложим бўлеа гапирмасдан, — деб жавоб берди Шоу.

Улуф физик Резерфорд кешкурун лабораториясига кирса, шоғирларидан бири ўтирган экан.

— Нима қилиб ўтирибсиз, бемаҳалда?

— Ишлайман.

— Кундуз кунини нима қиласиз?

— Ишлайман.

— Эргалаб ҳам ишласангиз керак, албатта?

— Ҳа, профессор.

— Менга қаранг, сиз қачон уйлайсиз ўзи?

Француз ёзувчиси ва фай-

ласуфи Момжен бундай деган экан:

— Менимча, дунёда энг тўғри тақсимланган нарса ақл бўлеа керак.

— Нега бундай деб уйлайсиз?

— Чунки ҳалигача бирор кимсанинг ақли камлигидан шикоят қилганини эшитган эмасман.

Бернард Шоу олтиншига кирганида мухлисларидан бири шундай дебди:

— Сиз ҳозир олтиншида эмас, балки уч қарра йигирмадасиз...

— Ҳа, бараналла, — дея маъқуллабди улуг ёзувчи. — Фақат қўрқаманки, мен саксонга кирганимда «сиз саксон ёшда эмассиз, балки йигирма қарра тўрт ёшдасиз» дейишмаса бўлгани...

Музейда:

— Сиз шох Пётр I нинг тахтига ўтириб олибсиз.

— Ҳеҳисси йўқ. Келса, бўшатиб бераман.



Бир куни Марк Твен бир шаҳарга лекция ўқигани келбди-ю, сартарошхонага кирди.

— Сиз шаҳримизга яшида келганга ўхшайсиз?

— Ҳа.

— Омадингиз бор экан. Бугун Марк Твен лекция ўқийди. Борасизми?

— Ҳа, албатта.

— Лекин тик туришингизга тўғри келди — ҳамма билетлар сотилган.

— Буни қарангки, у қачон лекция ўқиса, меннинг тик туришимга тўғри келад.

## БУНГА НИМА ДЕЙСИЗ?

**НОРВЕГИЯ** ҳукумати бунга рекордларининг ўзига ҳес фестивалнинг ўтказди. Унда кампирлар кутмаган мусобақалар ўрин олганди. Масалан, парашюта сакрани, мотоцикл нейгаси, сув остида сузиш ва шунга ўхшаш қийин синовлар. Қизиғи шундаки, режалаштирилган мусобақалар қанчалик қийин бўлишига қарамай, унда қатнашувчилар сонимингдан ҳам ошиб кетди.

**ИККИ ҚУЛДА** юрвчи одамлар борлиги ҳақида биланми. Бироқ дунёда шундай одамлар бор эканки...

**АҚШНИНГ** Жоржия штатида яшовчи Оскар Бредли нафақат икки қўлда, ҳатто бош ва курсаккич бармоқларига таяниб юриш қобилиятига эга экан. Қаранг-а!

**ЯНГИ КАЛЕДОНИЯ** еролидаги ҳаракат ниҳоятда тигиз бўлган Бураке-Тно автомобиль йўли шу кунини бум-бум эди. Бунга сабаб, Нумеа шаҳрининг 25 ёшли фуқароси Шарл-Мария Доуарнинг икки қўлда юриш бўйича рекорд қўйиш мақсадида катта йўлга чиққанлигидир. Уни олти кишидан иборат ҳакамлар ҳайъати кузатиб бонди. Худди шундай гаройиб усулда 700 метр

дам олмасдан юргач (бунга рекордини-г 59 дақиқа 32 сония вақти кетди). Донуар тўхтаб, ёқларидида туриб олди. Нигитининг айтинича, қўлларидида явада нўпроқ юриши мумкин эди, афсуски, чап қафтига кириб қолган шина бунга йўл қўймади.

**ҲИНДИСТОНЛИК** тўрт ёшли Пайл Ладху исмли қизчининг мусабфақияти явада ажабланирлидир. Ладху марафонча югуришда 21 километр масофани 2 соат 50 дақиқада босиб ўтди. Албатта, бу жаҳон рекорди эмас, лекин қизчининг югуриши билан бундан бир неча ой илгари шугуллана бошлаганини ҳам унутмаслик керак.

**АВСТРАЛИЯНИНГ** оқсан биргемида яшовчи аҳолисини кучли сув тўлқини узра тахтада «юриш» билан ажаблантириш қийин. Чунки бу ерликларнинг 7 ёшдан 70 ёшгача ушбу уйинни яқин билишади. Ленин синдеклик Рон Эгс барнага Хайратда қолдириди. У ёғини осмонга қилиб, қўллари билан тахтада турганча кучли тўлқинлар узра бемалол сузди.

## О ХАРАКТЕРЕ И ЦВЕТЕ ГЛАЗ

По мнению специалистов, характер людей в большинстве случаев как-то соотносится с цветом их глаз. В результате проведенных исследований удалось выяснить, что у людей с таким редким, например, цветом глаз, как зеленый, жизнь, как правило, проходит стабильно. Что, впрочем, не исключает решительных поступков с их стороны. Зеленоглазые обычно не лишены воображения, хотя при этом до конца остаются реалистами.



карими глазами обычно вспыльчивы, упрямы, настойчивы и выносливы. Они обладают развитой интуицией, способны на руководящей работе быстро и правильно решать сложные вопросы, хотя к подчиненным могут быть безжалостны.

Решительно ведут себя в пугных ситуациях люди с серыми глазами.

Голубоглазые обладают спокойным характером, сентиментальны, легко переносят одиночество. Гневу подвержены редко, при этом они почему-то переходят у них в депрессию.

А вот люди с черными и

## Афоризмы

Мозг, хорошо устроенный, стоит больше, чем мозг, хорошо наполненный.

«Выидесь в люди, заходи».

Знания, в отличие от денег, можно только накопить.

В жизни всегда есть место празднику. Надо только уметь в это место попасть.

Есть люди, в которых живет Бог, есть люди, в которых живет дьявол, есть люди, в которых живут только глисты.


Если женщина говорит мужчине, что он самый умный, то она предполагает, что второго такого дурака не найдет.

Никогда человек не бывает так близок к совершенству, как при заполнении анкеты на работу.

Беседа с начальником, мужчина учится втягивать голову в плечи, беседа с женщиной — учится подбирать живот.

Лесть, как и сигарета, безвредна, если не слишком затягиваться.

## Саёҳат—танга роҳат



**ОТДА.** Тўғрироғи, уч йил эмас, ундан кўпроқ вақт Владимир Фисенко билан Луис Брунке Америка қитъаси бўйлаб отда саёҳат қилишди.

Владимир Фисенко аслида рус, Ленинградда туғилган. Бироқ پاسпорти бўйича Фарангистон фуқароси ҳисобланади. Чунки француз қизига уйланиб, қайлигининг юртига кетган эди. Луис Брунке эса АҚШда туғилган. Фарангистонда ўқиган ва ўша ерда Владимир билан танишган. Шу ўлкада юрганида Оловли ердан Аляскагача бўлган масофани отларда босиб ўтган.

**ПИЕДА.** Харате шаҳрида яшовчи инглиз аёли Фийона Кэмпбелл Кейптаундан Суригача пиёда саёҳат қилди. Ҳисоб-китобларга қараганда, бу йўлни босиб ўтиш учун бир йилга яқин вақт кетди ва эллик жуфт пойлабзал йиртилди. Шу вақт ичиди жасур аёл 14 миля километр йўл юрди. Бу йўл аёлнинг саёҳатининг бир қисми холос. У аввал ҳам пиёда

Америка ва Австралияни кесиб ўтган. «Мен ўғил кўришни хоҳлаган отамга эр-кактлардан ҳеч қилишмаслигини исботлаш учун бу саёҳатга чиқдим», дейди аёл.

**ЧАНГИДА.** Норвегиялик Эрлинг Кагге Жанубий Кутбога ҳеч бир техника ёрдамисиз етиб борган дунёдаги биринчи одам ҳисобланади. Бернаер оролидан саёҳатга отланган Эрлинг 1310 чақирим машаққатли йўлни 50 неча-кундузда босиб ўтди. Кагге ўз саёҳати давомида чана тортувчи ит ёки бугулардан фойдалангани йўқ, фақат чангидан фойдаланди, холос. Албатта, саёҳат осон кетмади, 120 килограммлик озиқ-овқат, умуман ўртоқлари йигиб берган 180 миля долларлик эҳтиёж юклари қаттиқ қорбўронда учиб кетди. Бироқ Эрлинг барибир ниётига етди. У қўзлаган муддатидан 10 кун олдин манзилга етиб борди.

**ҚАПИҚДА.** Португалиялик сайёх М. Мендеш яқинда 108 кун мобайнида унча катта бўлмаган елканли қайиқчада Жанубий Африка қирғоқларидан то Португалия соҳилларигача сузиб борган.

— Бугун сузиш мобайнида — деб ҳикоя қилади Мендеш, — фақат консерваларни истеъмол қилишга тўғри келди. Балиқ овлашга бўлган ишонч ўзини оқламади.

## ◆ РЕКЛАМА ◆ ОБЪЯВЛЕНИЯ ◆ 56-54-76 ◆ РЕКЛАМА ◆ ОБЪЯВЛЕНИЯ

### КУПЛЮ

◆ Холод., шв. маш., ТВ, в/маг., газ. пл., БК, велосипед, ст. маш., «Киргизия», раб. и кераб. Т.: 74-95-15, 75-59-73.

◆ Старые нагрудные знаки: авиационные, железнодорожные, правоохранительные (ВЧК, НКВД, МООН, МВД, КГБ), депутатские и др., жетоны, монеты, марки. Т.: 63-49-19.

### РАЗНОЕ

◆ ДН «Харбий нийим» требуются швеи с опытом работы. Оплата сдельная. Обращаться по адресу: ул. Чехова-38, Т.: 56-39-28.

после 19.00 — тел: 40-24-25.

◆ ЧФ «Мохият» Мирабадского р-на г. Ташкента ликвидируется. Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня опубликования объявления по тел.: 93-43-89.

◆ ЧФ «Нафас» Мирабадского р-на г. Ташкента ликвидируется. Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня опубликования объявления по тел.: 191-24-52.

◆ ЧФ «Ярус» Якнасарайского р-на г. Ташкента ликвидируется. Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня опубликования объявления по тел.: 55-41-57.

## ЭТО ИНТЕРЕСНО

Все знаменитые соусы были созданы в XVII—начале XVIII веков. Характерно, что авторами соусов не гнушались выступать представители титулованной знати. Во всяком случае, молва приписывает изобретение соуса бешамель — одного из основных соусов — Луи де Бешамелю, маркизу Нуантеля, сыну известного французского дипломата и этнографа конца XVII века Шарля Марк Франсуа де Нуантеля, первого собирателя сказок «Тысяча и одна ночь». Даже скромный луковый соус, вплоть до недавнего времени существовавший в нашей кухне под именем соуса «субиз», был изобретен якобы принцессой де Субиз, супругой французского полководца Шарля де Рогана, принца де Субиз, впрочем, иные относят это изобретение на счет самого маршала.

А вот столь популярный у нас майонез совершенно определенно связан с именем другого полководца XVIII в. — герцога Магона. В 1782 г. он, будучи на испанской службе, завоевал у



англичан столицу острова Миноржи город Маон. После битвы был устроен пир, где впервые были поданы кушанья под соусом, сделанным из продуктов, которыми славится остров, — оливкового масла, яиц индеек и лимонного сока с добавлением красного перца. Этот соус получил название маонского, по-французски «майонез».

С увеличением количества соусов их значение в приготовлении пищи росло, и в конце концов понятия «соус» и «французская кухня» оказались тесно связанными, нерасторжимыми.

## УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

### МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Узбекистон Республикаси Марказий банки 2002 йил 10 декабрдан бошлаб валюта операцияларни бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек бошқона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хоржий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: /

1 АҚШ доллари	924.19
1 евро	934.17

/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Узбекистон Республикаси Марказий банки мажкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмага.

### Саховат ўн кунлиги

11 декабрдан Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти жамгармасига маблаг йиғиш умуммиллий ўн кунлиги бошланди.

— Ун биринчи маротаба ўтказилган талбирдан тушадиган маблаг турли хил табиий офатлардан азид чеккан, эҳтиёжманд кишиларга моддий ёрдам кўрсатиш учун сарфланади. — Деда жамиятининг матбуот кизмати раҳбари Р. Шукроров ўза маъбирига. — Ўнбир йилда жамиятимиз 250 минг нафар кишига моддий, tibбий ва ижтимоий кўмак берди. Ўнбир хузурида фаолият кўрсатаётган 250 табиий ижтимоий марказ аял шу кайфия вазифарни амалга оширатти. Улаи замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган.

Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти тўрт йилки АҚШ Қизил қоч таъкилоти билан

ҳамкорликда Оролбўйи миң тақасида юзага келган экологик ноқулай вазият оқибатларини енгилаштириш бўйича дастурни амалга оширляпти. Мазкур дастурга музофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятлари аҳолисига 13 миң тонна таъкид озиқ-овқат маҳсулоти, шунингдек, сув тозалаш филтэрлари, дори-даомон етказиб берилди.

Юртбошимиз Ислам Каримов инсонпарварлик, беғаразлик каби эзгу тамойилларга суянувчи таъкилоти-мизнинг фахрий Президенти этиб сайлангани беғиз эмас. Зотан, Ўзбекистон Қизил ярим ой жамиятининг бундай эзгу юмушларини бажаришга қаратилган фаолияти ҳукуматимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Э. ХОЛИҚОВ.

### БАДМИНТОН

## СОРЕВНУЮТСЯ ШКОЛЬНИКИ

В спортзале школы № 110 Мирабадского района столицы прошло уже третье по счету в этом году лично-командное первенство города среди учащихся школ. В этот раз состязались школьники 1988 года рождения.

Каждый район представляла команда из четырех человек (2 юношей и 2 девушки). Соревнования проводились только в одиночной категории, по сумме занятых мест определялось общекомандное место. Победителями и призерами командного первенства стали спортсмены Мирабадского, Мирзо-Улугбекского и Хамзинского районов. В личном зачете у юношей тройку лучших составили А. Давытов (Мирабадский район), Д. Халупский (Мирабадский), Н. Рыбкин (Яккасарайский). У девушек — Е. Новикова (Мирабадский), К. Каримова (Мирзо-Улугбекский), Т. Нонева (Хамзинский).

Команды-победительницы и призеры награждены дипломами, Ташигорспорткомитета и кубками, победителям и призерам личного первенства вручены дипломы и ценные подарки. А каждому участнику — памятные сувениры.

Организаторы турнира — Ташикентский городской комитет, спортивный комитет столицы, городской опорный пункт Фонда «Соглом авлод учун», городское отделение движения «Намолот». Федерация бадминтона Республики Узбекистан — заявила о своем намерении сделать турниры этой серии традиционными, чтобы популяризовать этот вид спорта и вовлечь в интересную игру все больше молодежи и взрослых.

О. САВАТЮГИН, тренер сборной Узбекистана.

### ТЕЛЕАНОНС

## «БАТАНИМГА ХИЗМАТ КИЛАМАН»

22 декабря в 10 часов по первому каналу Узбекского телевидения смотрите очередной выпуск военно-патриотической передачи «Ватанимга хизмат киламан», подготовленный Военной студией Министерства обороны Республики Узбекистан.

В этом выпуске военные тележурналисты расскажут о том, каких успехов в боевой учебе достигают воины-узбекистанцы в начавшемся зимнем периоде обучения. Также вы увидите репортаж со встречи солдат и сержантов, проходящих службу в различных округах и гарнизонах, с родителями и общественностью, которую организовало Министерство обороны.

Повтор этого выпуска смотрите во вторник, 24 декабря, в 16.55.


### Наш корр.

## ОТВЕТЫ НА КРОССВОРД ОПУБЛИКОВАННЫ

В № 146.  
ПО ГОРИЗОНТАЛИ: 3. Конституция, 6. Депутат, 7. Гильдия, 10. Инженер, 13. Книксен, 14. Азиат, 15. Скат, 18. Небо, 20. Атгаме, 21. Декрет, 22. Статус, 23. Астага, 25. Такт, 27. Вера, 29. Париж, 30. Окалина, 31. Ташкент, 34. Оценщик, 35. Лаванда, 36. Девальвация.

ПО ВЕРТИКАЛИ: 1. Устав, 2. Пути, 4. Невеста, 5. Дискант, 8. Инок, 9. Герб, 11. Узбекистан, 12. Гачемария, 15. Солдат, 16. Стакан, 17. Приказ, 19. Осадка, 22. Столица, 24. Авокадо, 26. Арка, 28. Ранг, 32. Мираж, 33. Калач.

## КРОССВОРД



ПО ГОРИЗОНТАЛИ: 1. организует заселение пустыющих земель.

«Псевдоним» штангиста. 5. Ария кузнечника. 7. Несказочная невидимка. 9. Большой металлический округлый сосуд. 10. Дневная трапеца. 12. Часть и дерева, и огнестрельного оружия. 15. Зимняя повозка на двух полозьях. 16. Ступень музыкальной лестницы. 17. Знак зодиака. 18. «Научный мыслитель». 19. Инструмент плотника. 20. Скопление жидкости в тканях. 22. Монах. 23. Порошок из коры дуба, употребляемый в медицине, как вяжущее средство. 26. Имя девочки. 27. Чашка без ручки. 29. Южный фрукт. 30. У средневековых мистиков: изыскание способов превращать простые металлы в драгоценные. 31. Тот, кто

ПО ВЕРТИКАЛИ: 1. Представитель Центральноазиатской народности. 2. Век, кто обедает. 3. Большая рыболовная сеть. 4. Цветок счастья у турок. 5. Сельскохозяйственная машина. 6. Кондитерское изделие. 7. Нулевой сектор. 8. Работа органа речи для произнесения звука в языкознании. 11. «... в деревне» (рекл.). 12. Холодная закуска. 13. Часть поезда. 14. Выющаяся прядь волос. 15. Химический элемент. 19. Сюрприз. 21. Тонкая шерстяная ткань. 24. Софт-яблоко. 25. Заостренный металлический стержень. 27. Спортивная командная игра в мяч верхом на лошадях. 28. Понимадонна российской эстрады.

# ВОСТОЧНЫЙ ГОРОСКОП

**ОВНЫ** определились с отпуском, поэтому время пройдет суматошно и невероятно быстро. От навалившихся дел, новых проектов и поручений голова будет просто идти кругом. Не спешите и не паникуйте — ваши организаторские способности возьмут верх, и вы сумеете четко все распланировать. Близкий друг будет нуждаться во внимании. Отнеситесь к этому серьезно.

**ТЕЛЬЦОВ** поглотят домашние заботы. Хлопоты будут в радость. На работе ничто не предвещает грозы, смело погружитесь в океан домашних дел. Начните убавлять дом. Праздничные гирлянды и разноцветные шары поднимут настроение и создадут неповторимую предновогоднюю атмосферу. В особом внимании будут нуждаться дети.

**БЛИЗНЕЦАМ** стоит померить свой пыл и побольше времени проводить с любимыми людьми. По-чаще бывайте дома, наслаждайтесь домашней едой и семейной атмосферой, и уже в середине недели ваше обаяние возьмет свое, и вы будете полностью прощены. Неплохо было бы навестить старых друзей, но туда, тоже надо от-

правиться сугубо семейным кругом.

**РАКАМ** планеты обещают полный порядок на работе. Начальство просто не может не заметить ваших талантов и необычайной работоспособности, поэтому не удивляйтесь, если вдруг материальное благополучие возрастет. Вы вполне этого заслуживаете. Единственное, что может побеспокоить — старая травма, внимательно следите за здоровьем.

**ЛЬВОВ** ожидает полная гармония в семейных отношениях. Ничто не в состоянии испортить идиллического настроения. Не позволяйте малознакомым людям своими советами внести «ложку дегтя» в эту радужную атмосферу. Особенно повезет Львам, еще не успевшим связать себя узлами Гименей. Оглянитесь вокруг — вполне возможно, что среди ваших коллег находится как раз та самая половина, которую вы так давно искали.

**ДЕВАМ** пора вылетать из-под родительского крыла. Вы полны сил, умны — у вас все получится. Самое время начать планировать собственное дело. Тщательно все просчитайте. На трудовом поприще черных пятен не наблюдается.

Начните покупать подарки. Поход по магазинам даст интересную идею относительно работы.

**ВЕСАМ** просто необходимо взбодриться. На работе все идет своим чередом, домашние озабочены теплом и заботой. В размеренной жизни не хватает изюминки. Не бойтесь перемен. Смело отправляйтесь к парикмахеру и меняйте имидж. Неплохо было бы внести романтики и в отношения с любимым человеком. Ужин при свечах — вот что нужно.

**СКОРПИОНАМ** пора наконец-таки повзрослеть. Близкие потребуют принятия какого-то решения. Отнеситесь к этому очень серьезно. Хорошо бы все обдумать и взвесить. У вас масса талантов, необходимо только правильно ими воспользоваться. Не стесняйтесь обратиться за советом к другу, но и не сваливайте решение проблемы на его плечи.

**СТРЕЛЬЦАМ** фортуна приготовила отличный сюрприз. Вас ждет повышение. Руководство отменило способности и теперь платит вам по заслугам. Это событие, безусловно, поднимет настроение, поэтому все ближайшее время будет переполнять энтузиазм. Своей энергией буквально заразите

домашних. Решится вопрос и с отпуском, которого так давно ждали.

**КОЗЕРОГАМ** не придется перенапрягаться на работе. Организаторские способности сделают свое дело, все будет идти четко по плану. Коллеги будут наслаждаться вашим обществом. Не скупитесь на комплименты, ведь ваш острый ум в совокупности с необычайным чувством юмора может растопить любой лед.

**ВОДОЛЕН**, расквитавшись с ворохом проблем, смогут вплотную заняться подготовкой к праздникам. Впереди ждет увлекательное путешествие, продумайте, что именно взять с собой в дорогу. Внимательно отнеситесь к выбору подарков. Но не спешите бежать в магазин. Воздержитесь от крупных трат.

**РЫБАМ** просто необходимо взять небольшой тайм-аут на работе. Поднакопите сил перед праздниками и внимательно присмотритесь к собственному здоровью. Отдохните, как следует, выпейте. Отойдите на время от шумных вечеринок и посиделок с гостями. Сейчас самое время побыть в кругу семьи и насладиться домашним уютом.

Бош муҳаррир

полковник

И. А. АБДУКАРИМОВ

### КОНТАКТНЫЕ ТЕЛЕФОНЫ:

Отдел подписки — 56-03-46.  
Информация, реклама — 56-54-76.  
Факс (3712) — 56-07-80.

Наш адрес: 700031, г. ТАШКЕНТ, УЛ. Д. КУНАЕВА, 21.

Ответственность за достоверность сведений в рекламе и объявлениях несет рекламодатель. Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати.

Рег. № 00050. Этот номер отпечатан в типографии газеты «Ватанпарвар».

Заказ № 0473.